O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 22 май, № 101 (4511) Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги соҳаларда фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун устав капиталининг энг кам миқдорларини белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

умумий суғурта соҳасида — 750 минг еврога эквивалент суммада;

ҳаётни суғурта қилиш соҳасида — 1000 минг еврога эквивалент суммада;

мажбурий суғурта бўйича — 1500 минг еврога эквивалент суммада;

фақат қайта суғурта қилиш бўйича — 4000 минг еврога эквивалент суммада.

Фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари (суғурталовчилар) 2010 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда устав капитали миқдорларини юқорида кўрсатилган талабларга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб мазкур қарорнинг 1-банди талабларига жавоб бермайдиган суғурталовчиларнинг лицензиялари амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ва тугатиш бўйича чоралар кўрсин.

3. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

суғурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда суғурталовчилар томонидан кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш учун лицензия олиши талаб қилинмайди;

суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланади (сайланади);

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, ўрнатилган иқтисодий нормативларни, шу жумладан, тўлов қобилияти нормативларини суғурталовчилар томонидан бузилганлиги учун суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида уларга суғурталовчи учун белгиланган энг кам устав капиталининг 0,1 фоизи миқдоригача жарима белгиланган тартибда солинади ва жарима суммаси республика бюджетига ўтказилади.

4. 2008 йилнинг 1 июнидан бошлаб уч йил муддатга:

юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталовчилар акциялари бўйича дивидендлар кўриниишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилинсин;

суғурталовчиларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғини тўлашдан озод қилинсин ва солиқдан бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида ҳудудий бўлинмаларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

мазкур қарор билан берилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда суғурталовчиларга суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун қўлланиладиган жарима санкциялари тўғрисида Низом.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 21 май

# КОРХОНА МАҲСУЛОТИ – ХОРИЖГА



Мамлакатимиздаги қулай инвестицион муҳит, самарали фаолият учун яратилган муносиб шарт-шароитлар чет эллик тадбиркорларнинг юртимизга бўлган қизиқишини тобора оширмоқда. Натижада ҳар йили кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилаяпти. Янгийўл шаҳридаги "Ana textele" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хориж корхонаси — ана шулардан бири.

▼ **Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

Жорий йил биринчи чорагида иш бошлаган мазкур корхонага Германия ва Туркиядан умумий қиймати 423 минг АҚШ долларилик замонавий дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, рақобатбардош, жаҳон бозорида харидоргир бўлган юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш имконини берди. Бугунга қадар жамиятнинг Назира Муллаева, Нилуфар Муханова (суратда) сингари қўлигул чеварлари томонидан 320 минг АҚШ долларилик трикотаж буюмлари тикилди. Қувонарлиси, бу бежирим кийим-кечаклар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан юз фоиз экспорт қилинди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



***21 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***
***Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.***
***Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2005-2007 йиллардаги иши тўғрисидаги ҳисобот билан мазкур Қўмита раиси Т. Каримов сўзга чиқди. Савол-жавоблар ва муҳокамадан кейин депутатлар Қўмитанинг ҳисобот давридаги фаолиятини умуман маъқулладилар. Шу билан бирга таъкидландики, Қўмитанинг иши парламент фаолиятининг ҳозирги босқичдаги ўсиб бораётган талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Қўмита қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар боришини таъминловчи қонунларни такомиллаштириш борасида қонунчилик ташаббуси субъектлари билан ишлашда зарур қатъият кўрсатмади.

Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоларига кўрсатиб ўтилган камчиликларга жуда қисқа муддатларда барҳам беришни топшириб, тегишли қарор қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С. Маҳмудов депутатларнинг кўриб чиқиши учун учинчи ўқишда киритилган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди.

Ушбу ҳужжатни кўриб чиқиш чоғида депутатлар акциядорлик жамиятлари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Б. Ёқубов маъруза қилди. Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш вақтида депутатлар ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши жамиятда қонун устуворлигини, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида қонунийлик ва адолатни таъминлаш имконини беришини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Комилов ахборот берди. Депутатлар муҳокама чоғида киритилган таклиф ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Мажлисда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси О. Охунованинг маърузаси бўйича «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар А. Абдуназаровни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси лавозимидан озод қилиб, уни мазкур Қўмита раисининг ўринбосари этиб сайладилар.

**(ЎзА).**

▼ **Анжуман**

***Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бошланди.***

## ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва бошқа бирлашмалар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, ёш тадқиқотчилар, талабалар ва ишлаб чиқариш тузилмалари вакиллари билан бир қаторда Хитой, Германия, Италия, Словения, Россия, Украина, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н. Мавлонов, фанлар академияси вице-президенти С. Ғуломов, Тошкент давлат техника университети ректори Ш. Шообидов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан илм-фан тараққиётини янада жадаллаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий лабораторияларда яратилаётган ихтиролардан амалда оқилона фойдаланишга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети олимлари томонидан амалга оширилаётган илмий изланишлар бунга мисол бўлади. Мамлакатимизнинг нефть-газ, кимё, ёқилғи-энергетика, машинасозлик ва бошқа муҳим ишлаб чиқариш тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрланаётган мазкур даргоҳда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**Жанубий Фарғона магистрал канали сувдан фойдаланувчилар уюшмаси Андижон ва Фарғона вилоятларида 90 минг гектардан зиёд майдонда деҳқончилик қилаётган фермерларни сув билан таъминлайди.**

## Ҳар қатраси ҳисобда

Жорий йилги ҳисоб-китоблар бу ҳудудда оқар сув одатдагидан танқис бўлишини кўрсатмоқда. Шу боис уюшманинг мувофиқлаштирувчи кенгаши махсус дастур ишлаб чиқди. Бу дастурга асосан, сувнинг ҳар қатрасидан самарали фойдаланиш бўйича жойларда оқсоқоллар ва мироблар иштирокида тушунтириш ишлари олиб борилялпти, суҳбатлар ўтказилаяпти. Бундан ташқари, канал ҳавзаси, ариқлар ҳашар усулида тозаланди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Қоракўл туманидаги "Машҳур Бобур" қандолатчилик фирмасининг маҳсулотлари сифатлилиги боис ўз харидорларини топиб улгурди.***

## Ҳам сифат, ҳам миқдор

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган мазкур фирмада ишлаб чиқариш қуввати кундан-кун ошиб бормоқда. Қисқа муддат ичида маҳсулот ҳажми икки баробар ошганлиги бунинг далилидир. Тез орада фирмада янги цех ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Натижада яна 10 нафар йигит-қиз иш ўрнига эга бўлади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Паррандачиликка эътибор

*Хоразм вилоятида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.*

Айниқса, паррандачиликни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилаяпти.

«Боғот пахта тозалаш» ва «Боғотдон» ҳиссадорлик жамиятларида йил бошида паррандачилик инкубациялари қурилиб, ишга туширилган эди. Натижада март ойида 28 мингтага яқин, апрель ойида эса 85 мингтадан зиёд жўжа етиштирилди. Бу тумандаги ҳар бир деҳқон ва фермер хўжалигида 100 донадан жўжа парваришлаш имконини берди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бир рақам шарҳи

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА



**2008** йилнинг дастлабки чорагида республикамизда ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида **97** та давлат корхонаси ва объект ҳамда уларнинг акциялар пакетлари сотилди.

**Бу, ўз навбатида, мазкур субъектларда мулкчилик шаклини нодавлат шаклига ўзгартириш орқали уларни ўз эгалари — инвесторларга инвестиция мажбуриятларини юклаган ҳолда бериш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, инфратузилмани ривожлантириш ишларини бошлашга кенг йўл очди.**

***Маълумки, 2008 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги дунё миқёсида, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам кенг нишонланади. Шу муносабат билан матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Фармонда таъкидланганидек, давлатимиз мустақилликка эришгач, биринчи бўлиб ана шу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатга қўшилди.***

# МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

Декларация қоидалари Асосий қонунимизда, миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топди. Конституциямизнинг муқаддимасидаёқ Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиши, инсон ҳуқуқларига содиқлиги тантанали равишда эълон қилинди.

Хўш, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилингунга қадар ҳам бу борада бирорта ҳужжат бўлганми, деган савол туғилиши табиий. Албатта, илгари ҳам инсон ҳуқуқларига оид изланишлар бўлган. Қадимги юнон файласуфлари, Рим ҳуқуқининг кўзга кўринган намояндалари, ўрта асрларда Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий ва соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўзларининг ҳуқуқий қарашлари билан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таълимотни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар.

Тараққиётнинг кейинги даврларида ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича кўпгина ҳуқуқшунослар ва файласуфлар томонидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилиб келинган.

Айниқса, 1789 йилда қабул қилинган Фуқаро ва инсон ҳуқуқларининг француз Декларацияси шахс эркинлиги ҳамда ҳуқуқларини тан олиш ва ҳимоя қилиш тарихида муҳим босқич бўлди. Декларациядаги ҳуқуқлардан фойдаланиш таъминланмаган, ҳокимиятлар бўлиниши ташкил этилмаган жамият конституциявий ҳисобланмайди, деган демократик тезис эътиборга моликдир. Табиийки, ажралмас ҳуқуқлар сирасига шахсий ҳаёт, хавфсизлик ҳуқуқи, ҳокимиятлар жавобгарлиги, сўз ҳамда фикр эркинликлари киритилган. Шунингдек, айбсизлик презумпцияси билан бошланувчи инсон ҳуқуқлари таърифлаб берилди.

XIX ва XX асрларда шахснинг эркинлиги ва ҳуқуқларини тан олишга асосланган шахс ҳамда давлат ўртасидаги шартномавий муносабатлар тамойили Европа, Лотин Америкаси ва Осиёнинг бир қатор давлатлари томонидан қабул қилинди. Лекин шу билан бирга, ҳуқуқ ва эркинликларнинг тўла таъминланишига ҳамда зарур даражада ҳимоя қилинишига биргина ҳукумат кучлари билан эришиб бўлмаслиги тобора аён бўла борди. Эндиликда халқаро воситалар ҳамда ўзаро ҳамкорлик йўли билан инсон ҳуқуқларини таъминлаш зарурлигига эҳтиёж туғилди.

Иккинчи жаҳон уруши инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таълимотнинг ривожлантирилиши ва бу соҳада давлатлар ҳамда халқларнинг ўзаро кенг алоқасини ўрнатишда тарихий сабоқ ролини ўтади.

**▼ Мушоҳада**

1948 йил 10 декабрда эса БМТ Бош Ассамблеяси "барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифалар сифатида" Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини эълон қилди. Бу ҳужжат инсоният жамиятининг барча аъзоларига хос бўлган қадриятлар ҳамда уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш — эркинлик, адолат ҳамда ялпи тинчликнинг асоси бўлиши хусусидаги муқаддима билан бошланади. Ушбу Декларация юридик кучга эга бўлган мажбурий ҳужжат сифатида қабул қилинмаган бўлса-да, давлатларнинг кўпчилиги уни ратификация қилдилар ва халқаро ҳуқуқий ҳужжат сифатида тан олдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳам БМТ билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олган. Мана, қарийб 17 йилдирки, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ва халқаро ташкилотларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини намоён этмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига оид 60 та асосий ҳужжатга қўшилди. Бевосита инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик нормаларини қабул қилмоқда ва такомиллаштирмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий, маънавий-мафкуравий ва халқаро ҳуқуқий асослари яратилган.

Демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши ва асосий мақсадидир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар халқаро ҳужжат ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Асосий қонунимиз талабларига тўлиқ мос келади. Келгусида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш ва бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш бўйича ишлар изчиллик билан давом эттирилади. Мамлакатимиз Президентининг юқорида зикр этилган Фармонида ана шу вазифалар назарда тутилиб, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси 2008-2009 йилларда фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин", деб белгилаб берилган.

Шунингдек, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши ҳузуридаги Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда 2008 йил давомида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоидаларини очиб беришга бағишланган рисолалар, ўқув қўлланмалари, ижтимоий-сиёсий материаллар чоп этилишини ва аҳоли орасида кенг тарқатилишини таъминлаши алоҳида таъкидланган. Мазкур фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда республика Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

**Абдуғафур САТТОРОВ,**
**юридик фанлари доктори.**

# АГАР ЯШИЛЛИККА БУРКАНСА ЎЛКАМ...

***Ўрмонлар нафақат қурилиш ва қоғоз саноати учун муҳим хом ашё манбаи, балки барқарор экологик тизимни таъминловчи ажойиб механизм ҳамдир. Негаки, тупроқдаги намликни тартибга солиш, сел ва кўчки каби табиий офатларнинг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларини шамол ва сув эрозиясидан асрашда яшил оламнинг хизмати бениҳоя катта. Атмосфера ҳавосини тозалаб бериш хусусиятини эса ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди.***

**Бугун — Халқаро биохилма-хиллик куни**

Мамлакатимизда ўрмон хўжаликларини ривожлантиришга давлат миқёсида катта эътибор берилаётгани туфайли яшилликка бурканган майдонлар йил сайин кенгайиб боряпти. Бошқача айтганда, бугунги кунда давлат ўрмон фонди мамлакатимиз ҳудудининг 19 фоизини ташкил этади. Ўрмонларнинг 92 фоизи, яъни 8,2 миллион гектари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қарашлидир.

Ўрмонларни кенгайтириш, мавжудларини қайта тиклаш ишлари изчил амалга оширилаётгани эса, уларнинг маҳсулдорлиги ошишини таъминлаяпти. Яъни, ҳар йили 42 минг гектар янги ўрмонзорлар барпо этилиб, мавжудлари парваришланмоқда. Эътиборлиси, бундай ишларнинг 80 фоизи чўл ҳудудлари, хусусан, Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётир. Мутахассисларнинг айтишича, бугунга қадар Оролнинг қуриган қисмида ташкил этилган 250 минг гектар «яшил қалқон» минтақадаги экотизимни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Кеча "Экосан" халқаро ташкилоти ташаббуси билан Тошкент вилояти ўрмон хўжалиги бошқармасида ташкил этилган "Ўрмон тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси бўйича жамоатчилик эшитувида шулар ҳақида маълумот берилди. 22 май – Халқаро биохилма-хиллик кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори ва қуйи палаталари аъзолари, тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқот институтлари олимлари иштирок этди.

Қонун ижроси бўйича мутасадди идоралар вакиллари ўз маърузаларида ютуқлар баробарида муаммолар борлигини алоҳида таъкидладилар. Кўп ҳолларда унинг 27-моддаси талаблари қўпол равишда бузилаётгани қайд этилди. Дарахт ва буталарни ўзбошимчалик билан кесиб кетиш, чорва молларини дуч келган жойда боқиш, доривор гиёҳларни ҳаддан ташқари кўп йиғиш ва пайҳон қилиш ҳоллари шулар жумласидандир. Ўтказилган рейдлар натижасида аниқланган бундай ҳолатлар бўйича кўрилган тегишли чора-тадбирлар, ундирилган жарима миқдорлари рўй-рост айтилди.

Тадбир иштирокчилари ўрмонлар барпо этиш ишларини янада жонлантириш, салбий ҳолатларнинг олдини олишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, шунингдек, ўрмонбегилар масъулиятини ошириш кераклигини таъкидладилар.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**▼ Ифтихор**

**— Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини Олтиариқ тумани мисолида яққол кўриш мумкин, — дейди Фарғона вилоятида биринчилардан бўлиб фермерлик ҳаракатига қўшилиб, тармоқдаги бу янги йўналишнинг афзалликларини англаб етган Абдужалил ота Бойматов.**

## Олтиариқнинг файзиёб боғлари

— Ҳақиқатан, бундан етти-саккиз йил аввал «Фарғона — Қўқон» йўлидан юрган киши шу катта автомагистралнинг Олтиариқ туманидан, Қапчуғай адирларидан ўтган қисмини танимаслиги табиий. Чунки шу қисқа вақт ичида бийдай адирлар, тош-шағалдан иборат унгурлар кўзни қувонтирадиган, дилни яйратадиган боғ-роғларга айлантирилди.

Абдужалил отанинг боғлари ва узумзорлари айни шу ҳудудда барпо этилган. Илгари қишлоқ одамлари «Тиканакзор» деб атайдиган бу жойнинг 0,5 сотихига у дастлаб ток қаламчаларини қадаганида, кўпчилик «Ҳа, энди, отахон бир орзу-ҳавас қилибди-да» деган эди. Бугун улар миришкор деҳқонга тан беришди. Чунки янтоққа туташиб, тиканакка чирмашиб бўй ростлаган токлар тонна-тонна узум бераяпти. Айни пайтда отахоннинг узумзорлари 8 гектардан зиёдни ташкил этади. Бу ерда етиштирилаётган узумларни юртимиз бозорларидан ташқари, Россиянинг Ёқутистони, Сибирь кенгликлари, Болтиқбўйи минтақаларида яшовчилар ҳам яхши билишади.

— Қиш кунларининг бирида сибирлик тадбиркор, ишончли буюртмачиларимдан бири сим қоқиб, иложи бўлса, сархил узумдан жўнатиб юборишни илтимос қилди, — дея эслайди Абдужалил ота. — Дўст лафзини қадрлаш — инсоннинг муҳим фазилати. Илтимосини бажарганимдан кейин у яна қўнғироқ қилиб, ҳозиргина ишкомдан узилгандай узумларни кўриб, ҳайратга тушганини айтди.

Бу гапда муболаға йўқ. Олтиариқликлар нафақат мева, узум, сабзавот етиштириш ҳадисини олиб қолмасдан, балки уларни сақлаш, қайта ишлаш сир-асрорларини ҳам азалдан биладилар-да. Абдулла ота Ғофуров эса нафақат узумни, ҳатто унинг ҳиди ва ранги-тусини сақлаб қолиш усулларини ҳам кашф этган.

Бугун Олтиариқ боғларида мўл ҳосил етилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида туманда 80 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилиб, жами боғлар майдони 64 гектарга етказилди. Бу боғларда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида харид қилиш, истеъмолчиларга етказиш, қайта ишлаш бўйича «Полосан фахри», «Деҳқон бозори», «Алиқулов Баҳодир» агрофирмалари миришкорлар билан шартномалар имзолашган. Агрофирмалар мутасаддиларининг айтишича, бу йил 1000 тоннадан ортиқ боғ неъматлари тайёрлаш кўзда тутилаяпти.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ВАШИНГТОНДАГИ БОЛАЛАР ФЕСТИВАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ИШТИРОКИ

***Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси кўмаги билан юртимиз вакиллари Вашингтонда бўлиб ўтган Иккинчи халқаро болалар фестивалида иштирок этишди. Мазкур тадбир «Меридиан» нодавлат халқаро маркази ҳамда Вашингтон мэрлиги томонидан ташкил қилинди.***

Фестивалда АҚШда ижтимоий-сиёсий, маданий доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, Вашингтонда аккредитациядан ўтган йигирмага яқин, жумладан, Аргентина, Австралия, Бразилия, Миср, Франция, Япония, Лихтенштейн, Мексика каби давлатларнинг дипломатия ваколатхоналари ходимлари қатнашдилар. Фестивал турли мамлакатларнинг тарихий ва маданий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи турли экспонатлар ҳамда таништирув материалларидан иборат бўлган кўргазма шаклида ўтказилди. Кўргазма экспозицияларини Вашингтоннинг ўн минглаб аҳолиси, хусусан, кўплаб болалар катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Вашингтон шаҳри мэри рафиқаси Мишель Фенти сўзга чиқди.

Ўзбекистон экспозицияси фестивалдаги энг оммабоп кўргазмалардан бири бўлди. У мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий мероси, шунингдек,

**▼ Дунё нигоҳи**

юртимиз ижодий салоҳияти хусусида атрофлича ҳикоя қилади. Ўзбекистон экспозициясига ташриф буюрган меҳмонлар ўзбек халқ амалий санъатининг ноёб намуналари — Риштоннинг ложувард сопол буюмларию Бухоро зардўзи кашталари ҳамда кўҳна Самарқанднинг ранг-баранг сўзаналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистонлик болалар томонидан Наврўз байрамига бағишлаб ишланган расмлар коллекцияси эса Америка жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Лора Грей раҳбарлигидаги «Буюк Ипак йўли» рақс ансамбли иштирокчиларининг ўзбек рақслари ҳамда доира ижросидан сабоқлар ташкил этгани тадбирга ўзига хос файз бағишлади.

Кўргазмага ташриф буюрган меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистонда «Ёшлар йили» давлат дастурининг амалга оширилаётгани, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муносиб ҳимоя қилинаётгани, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг натижалари билан батафсил танишдилар.

Вашингтонда бўлиб ўтган Иккинчи халқаро болалар фестивали АҚШ оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. «Washington diplomat» ва «Washington parent» газеталарида мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган пештахталар ва тадбирлар тўғрисида батафсил ҳикоя қилувчи репортажлар эълон қилинди.

**«Жаҳон» АА.**
Вашингтон шаҳри

## Истеъмолчига ҳам, таъминотчига ҳам фойдали

*Булоқбоши туманидаги электр тармоқлари корхонаси 17 мингдан ортиқ хонадон ҳамда 902 та улгуржи истеъмолчига хизмат кўрсатади. Корхона жамоаси коммунал хизматларни самарали йўлга қўйиш борасида ишлаб чиқилган аниқ тадбир ва режа асосида фаолият юритаётгани айни муддао бўлаяпти.*

**▼ Хизмат**

*Туманда электр-энергия сарфини аниқ йўлга қўйиш мақсадида электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, нимстанция пайвандчиси Акмал Холбеков, электрчилангарлар Ҳайдар Алиев ва Муҳаммаджон Исоқов фаол иштирок этмоқда. Натижада бугунга қадар 90 фоиз истеъмолчиларга ана шундай замонавий ўлчагичлар ўрнатилди. Бу иккала томон учун ҳам бирдек қулай ва фойдали эканлиги билан аҳамиятлидир.*



**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

# ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Университетнинг энергетика факультети ва «Ўзметкомбинат» акциядорлик бирлашмаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган ана шундай илмий-амалий лойиҳа натижасида ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технология энергия сарфини қарийб қирқ фоизга камайтириш имконини бермоқда. Бугунги кунда ушбу қурилмадан мазкур корхонанинг ўн бешта иншоотида, шунингдек, «Ўзбеккабель» акциядорлик бирлашмаси ва Тошкент вилоятидаги насос станциялари фаолиятида самарали фойдаланилаётир.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳам университетнинг таълим, фан ва ишлаб чиқариш жабҳасидаги муҳим ҳамкорларидан бири. Кейинги йилларда ушбу йўналишда олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигида олиб борилган кенг кўламли илмий лойиҳалар натижасида нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарида оқова сувларни тозалашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилди. Илгари хориждан келтирилаётган табиий газни тозалаш жараёнида қўлланиладиган янги ингибиторлар яратилди. Юқори самарали полимер реагентлар, экологик тоза ёнилғи олиш, конлардаги иссиқлик алмаштиргич тизимлари фаолиятини яхшилашга йўналтирилган илғор технологиялар жорий этилди.

Компания мутахассисларининг айтишича, олимларимиз ва мутахассисларимизнинг ҳамкорлиги натижасида яратилаётган бундай илғор технологиялар геология-қидирув ишларини, нефть ва газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва пировардида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

24 майга қадар давом этадиган анжуман доирасида Тошкент давлат техника университети илмий лабораторияларида яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологиялар ва илмий-тадқиқот ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Пойтахтимизда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари онколог ва радиологларининг V съезди бўлиб ўтди. Хабар қилинганидек, унда нафақат МДҲ мамлакатлари, балки Канада, Буюк Британия, Германия, Голландия, Ҳиндистон, Чехия, Франция, Швейцария, Швеция, Польша, Сербия каби 20 дан зиёд давлатдан қарийб 1400 нафар мутахассис иштирок этди.***

# ТИББИЁТИМИЗ САЛОҲИЯТИ

## мамлакатимизда ўтказилган халқаро анжуманда яққол намоён бўлди

Мазкур нуфузли халқаро анжуманни ўтказиш учун айнан Тошкент танланганлиги бежиз эмас. Зеро, бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими жаҳон миқёсида ўзига яраша обрў-эътиборга эга. Бу, албатта, давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолиги остида инсон саломатлигини асрашга жиддий эътибор қаратилаётгани натижасидир. Табиийки, истиқлол йилларида миллий ва халқаро тажрибага таянган ҳолда онкологик хасталикка чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш янада такомиллаштирилди. Тармоқ ривожини таъминлаш, соҳага янги технологияларни татбиқ қилиш борасида ҳам улкан янгиланишлар амалга оширилди.

Сир эмаски, бугунги кунда онкологик касалликларни даволаш бутунжаҳон клиник тиббиётининг мураккаб ва долзарб муаммоларидан саналади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, кўплаб давлатларда саратон хасталиги ўлимга олиб келувчи энг асосий сабаблардан бири ҳисобланмоқда.

Юртимиз аҳолисининг онкологик хасталикларга чалиниш кўрсаткичларида нисбатан барқарорлик кузатилмоқда ва бу натижа аксарият МДҲ мамлакатларидагига нисбатан анчайин салмоқлидир. Шу боис, анжуманда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги бундай ютуқлар юртимиз олимлари ва шифокорларининг изланишлари, аҳоли саломатлигига хавф солувчи омиллар ўз вақтида ва аниқ чора-тадбирлар асосида бартараф этилгани самараси сифатида тилга олинди.

Маълумки, мамлакатимизда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган республика маркази, вилоят ҳамда шаҳар миқёсидаги ихтисослашган диспансер ва поликлиникалар тармоғини ўзида жамлаган онкология хизмати тизими фаолияти йўлга қўйилган. Мутахассисларимиз томонидан жаҳон амалиётининг замонавий тиббий ускуналар ёрдамида хасталикни анча эрта аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволаш борасидаги энг илғор услублари муваффақиятли ўзлаштирилмоқда. Онкология ва радиология соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилаётир. Республика онкология маркази, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, шунингдек, жаҳондаги йирик тиббиёт муассасаларида клиника шифокорлари қайта тайёрланаётгани фикримиз далилидир. Қолаверса, ўзбек олимларининг қатор давлатлардаги тажрибали мутахассислар билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйганлиги, улар билан биргаликда қизғин илмий тадқиқотлар олиб борилаётгани янада қувонарли ҳолдир.

**▼ Эътироф**

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги онкология, радиология ва рентгенология марказлари ҳамда институтлари директорлари ассоциацияси раиси, Россия тиббиёт фанлари академияси президенти М. Давидов: "Ўзбекистон тиббиётида қўлга киритилаётган ютуқлар, ҳақиқатан ҳам, салмоқлидир. Шубҳасиз, бу тарзда изчиллик билан янгиликка интилиш тиббиётнинг янада ривожланишида муҳим мезон саналади. Чунки бугун соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар бунга қатъий ишонч ҳосил қилишимиз учун етарли асос бўла олади", — деди.

— Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида ўрганиш ва татбиқ этишга арзийдиган кўплаб ютуқларга эришилганлиги қувонарли ҳол, — дейди биз билан суҳбатда Россия тиббиёт фанлари академияси академиги А. И. Воробьев. — Онкология соҳасини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилаётгани, айниқса, беморларнинг даволаниш, маслаҳат олиш борасида бепул имтиёзларга эга эканлиги юртингизда чиндан ҳам инсонпарварлик сиёсати устуворлигини тасдиқлаб турибди.

Ҳиндистонлик кимётерапевт Динеш Пендкарна: "Ўз тажрибасини такомиллаштириб бораётган ўзбекистонлик шифокорларнинг ютуқлари эътирофга арзийди. Мен мамлакатингиз тиббиёти эришаётган муваффақиятларга ҳавас қиламан", дея таъкидлаганида ҳам катта маъно бор. Зеро, хорижлик мутахассисларнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига бу тариқа ҳайрат ва ҳавас ила муносабат билдираётганлиги келажакдаги бекиёс ютуқларимиздан далолатдир.

Шундай қилиб, уч кун давом этган анжуманда тадбир иштирокчилари онкология хасталикларини даволаш сифатини янада яхшилаш бўйича фикр алмашдилар. Ўзаро мулоқотларда ушбу касалликларнинг олдини олиш ва ташхис қўйишга жиддий эътибор зарур эканлиги мутахассислар томонидан бот-бот қайд этилди. Жаҳонда энг нуфузли деб тан олинган малакали онкологлар сўнгги тадқиқотлари натижаларини тақдим этишаркан, шу аснода ёш мутахассислар таклиф этган янгича услуб ва қарашлар қизғин муҳокама қилинди. Шу билан бирга, жаҳон онкологлари бугун ўз фаолияти мисолида халқаро доирада юксак эътибор қозонаётган ўзбек шифокорлари билан ҳамкорликдаги тадқиқотлар йўналишини аниқ белгилаб олишди.

Шуларни ҳисобга олиб, айтишимиз мумкинки, пойтахтимизда бўлиб ўтган мазкур халқаро анжуман дунё онкология фани ривожи йўлидаги муҳим аҳамиятли тадбир, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш борасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида ташланган ўзига хос бир қадам бўлди.

**С. НАВРЎЗОВ,**
**Республика онкология илмий маркази директори, профессор.**



# Осмон остидаги музей

Мерос

**Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида тарихий ёдгорликларнинг умрини узайтириш, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш бўйича бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Чунончи, Навоий вилояти ҳудудида жойлашган Қосим Шайх жоме масжиди, Мавлоно Ориф Деггароний масжиди, Тошмасжид, Оқмасжид, Чашмаи Нур, Сардоба, «Шоҳимардон», «Қалъаи Азизон», «Чилустун», «Қилич ота» сингари тарихий обидалар гўзал ва обод масканларга айлантирилди. Ана шундай муқаддас, қадимий қадамжолардан бири Сармишсойдир.**

Сармишсойда ҳар хил тарихий даврларга оид юздан ортиқ археологик ёдгорликлар топилган. Булар тош даври маконлари, устахоналар, шахталар, (палеолит, неолит), қадимги ва ўрта аср қишлоқ жойлари, мозорлари, суғориш иншоотлари қолдиқлари ва қоя тош расмлари бўлиб, улар тахминан 20 квадрат километрлик ҳудудда жойлашган.

— Бу ёдгорликлар орасида қоя тош расмлари энг қимматли тарихий манба, тошга битилган йилнома ва ажойиб санъат асарларидир, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг илмий ходими, тарих фанлари номзоди Муҳиддин Хўжаназаров. — Уларни фанда петроглифлар деб аташади. Сармишсой расмлари ўзининг мазмуни, ифода этилган манзаралари билан нафақат Ўзбекистонда, балки, Марказий Осиёда ҳам ноёб ёдгорликдир.

Навбаҳор туманидаги мазкур қадамжо айни чоғда алоҳида қунт ва эътибор билан ўрганилмоқда. Бу борада, айниқса, Археология институтининг халқаро ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда амалга ошираётган амалий ва илмий изланишлари ҳамда тадқиқотлари эътирофга сазовордир.

Бундан тўрт йил муқаддам «Сармишсой табиий ва маданий меросини сақлаш ва самарали бошқаришни ўрганишнинг янгича ёндашувлари» мавзуида биринчи Халқаро илмий конференция ўтказилган эди. Бу муддатда мамлакатимиз ва чет эллик олимлар ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Натижада Ўзбекистон ФА ходимлари ва норвегиялик археолог ҳамда петроглифшуносларнинг саъй-ҳаракатлари билан қоя тошлардаги мўъжизалар сиру асрорлари хусусида бир қатор қимматли маълумотларни тўплашга муваффақ бўлдик.

Сармишсойнинг табиий ва маданий мероси ҳақида «Ўзбектелефильм» ижодкорлари томонидан «Икки дарё оралиғида» ҳамда «Муқаддас қадамжолар», деб номланган кўп қисмли ҳужжатли фильмлар яратилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Яқинда Навоий давлат педагогика институтида ўтказилган илмий семинарда академик Юрий Буряков ва олим Муҳиддин Хўжаназаров томонидан «Зарафшон воҳасининг Шарқ цивилизацияси тарихида тутган ўрни» мавзуида илмий маърузалар қилинди. Унда Сармишсой мероси орқали инсоният тараққиёти учун буюк ихтиролар қилган улуғ аждодларимиз тарихига оид бой, қизиқарли, илмий асосланган хулосалар келтирилди.

Сармишсойда топилган тош даври маконлари, устахона ва шахталар водийнинг жанубий қисмида жойлашган. Бу шахталар қадимийлиги ва тарихий манбаларга бойлиги билан Марказий Осиёда ягонадир. Қоратоғнинг жанубий ёнбағрида — Учтут қишлоғи атрофида бир неча сантиметр қалинликда чақмоқтош қатлами бўлиб, у ибтидоий одамларни қадимдан ўзига жалб қилиб келган. Шунинг учун улар бу ерда устахоналар очиб, чақмоқтошдан меҳнат қуроллари ясаганлар.

— Аммо неолит даврида (милоддан аввал VI-IV минг йиллик) учтутликлар меҳнат қуроллари ясашда хом ашё ҳисобланган чақмоқтошни ер остидаги она жинсидан синдириб олишни ўрганганлар ва ер остига шахталар қазиб тушганлар, — дейди Муҳиддин Хўжаназаров. — Чунки ер юзасидаги чақмоқ тошга нисбатан, ер остидаги нам тортиб ётган тошлардан қуроллар ясаш анча осон ва унумли бўлган. Учтут устахонаси, шахталари жойлашган ҳудуднинг умумий майдони 8000 метр квадратни ташкил этади. Шу майдонда минг метр квадратдан иборат 40 та шахта борлиги аниқланган. Улар бир-бирларига яқин жойлашган бўлса-да, чуқурликлари ҳар хил.

Археологлар бу шахталарни уч туркумга ажратишган: қудуқ шаклидаги — бир бўлмали, икки бўлмали ва зина билан тушиладиган кўп бўлмали. Баъзи шахталар бир-бири билан туйнуклар орқали туташтирилган. Шахталарни қазиш жараёнида уларнинг деворларида сақланиб қолган қуроллар излари борлиги аниқланган. Бу излар, асосан, буғунинг шохи, қорамолларнинг суяклари, ёғоч ва тош қуролларига тааллуқли бўлиб, шахталарда айнан шу қуроллар кўплаб топилган.

— Фикримизча, — дейди Муҳиддин Хўжаназаров, — неолит даврида Қизилқумда яшаган Калтаминор маданиятига оид овчи ва балиқчи қабилаларининг айримлари Сармишсойга келиб жойлашганлар. Улар бу ерда ов қилиш билан бир қаторда, аста-секин чорвачиликка асос солганлар.

Жаҳонда Сармишсой каби бой табиий ва маданий меросга эга бўлган масканларнинг 13 таси ЮНЕСКО ташкилоти томонидан умуминсоний мерос сифатида рўйхатга олинган, ўн тўртинчиси сифатида Сармишсой тан олиниши кун тартибида турибди. Бунинг учун мутахассислар томонидан ёдгорликларнинг жойлашув харитаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари туризм ва сайёҳлик йўналишида хорижлик ҳамда маҳаллий сайёҳларга Сармишсой бўйлаб саёҳатлар уюштириш йўлга қўйилмоқда. 2007 йил давомида икки мингга яқин сайёҳ Сармишсойга ташриф буюрди.

Айтиш жоизки, халқимиз тарихи, маданияти, маънавияти, урф-одати ҳақидаги бой меросни ўз бағрида 7 минг йилдан буён буст-бутун асраб келаётган Сармишсой дарасини — очиқ осмон остидаги музей бойликларини муҳофаза қилиш долзарб масалалардан бири саналади. Эндиликда ушбу музейнинг тегишли тартибда ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан умуминсоний маданий мерос сифатида рўйхатга олиниши ўз ечимини кутмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт

## Яна битта йўлланма

***Ўзбекистонлик спортчиларнинг Хитой пойтахти Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалари сони яна биттага кўпайди.***

Миллий Олимпия қўмитасидан олинган хабарда айтилишича, енгил атлетика бўйича йўлланма берувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Анастасия Журавлёва муваффақиятли иштирок этди. У уч ҳатлаб сакраш баҳсларида 14 метру 11 сантиметр натижага эришиб, йўлланма эгасига айланди.

## Қитъа чемпионлари аниқланди

***Марокашнинг Агадир шаҳрида кураш бўйича катталар ўртасида Африка чемпионати бўлиб ўтди.***

Уч кун давом этган беллашувларида Африка қитъасининг йигирмадан ортиқ мамлакатидан келган полвонлар ўзбек миллий спорти — кураш усулларини яхши ўзлаштириб олганликларини амалда намойиш этдилар, деб хабар беради Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизмати.

Мусобақа якунида Жакобс Лоренс, Патрик Трезисе (ЖАР), Аҳмед Элкавесса (Ливия), Абдулла Сеик, Бара Ндиайе (Сенегал), Майк Мунавах (Маврикия), ал-Малки ал-Меҳди (Марокаш)лар ўз вазн тоифаларида олтин медалларни қўлга киритдилар. Шунингдек, аёллар ўртасида ҳам олти вазн тоифасида мусобақалар ўтказилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**
**тайёрлади.**

GUNWOO
ШУБҲА КОРХОНАСИ
Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охирги ишланмалари асосида яратилган
ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАРни
таклиф этади.
Диаметри 100 мм. дан 1200 мм. гача.
Босимга чидамлилиги — 12,5 бар.
ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ:
суғориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, саноат, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб.
1. Ичимлик суви таъминоти учун босимга чидамли, уч қатламли кувурлар (225-1200 мм.)
2. Икки қатламли кувурлар (150-1200 мм.)
3. Икки қатламли перфорацияланган кувурлар (150-1200 мм.)
4. Бўртмали кувурлар (100-400 мм.)
5. Бўртмали перфорацияланган кувурлар (100-400 мм.)
6. Канализация учун кувурлар.
Бизнинг полиэтилен қувурлар нисбатан қулай бўлиб, монтаж ишларини осонлаштиради.
Вилоятлардаги дилер ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этамиз.
ТЕЛ.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.
ФАКС: (370 71) 715-63-16.
Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., «Қангли» к., 16-«А» уй.
gunwoo@mail.ru
Маҳсулот сертификатланган.

Мобил e-mail
Энди сиз ўз мобил рақамингизга янги почта келгани ҳақида фақатгина www.mail.ruдан эмас, балки www.doda.uzдан ҳам хабар олишингиз ва почтани ўз телефонингиздан кўришингиз мумкин!
@mail.ru
doda www.doda.uz
МТС абонентлари учун:
МТС янги «SMS-Агент@Mail.Ru» хизматини ишга туширди. Янги хизмат МТС абонентига «Mail.Ru Агент» дастури ёрдамида мобил телефонига юборилган SMS-хабарларни олиш ва уларга бевосита мобил телефондан жавоб бериш имкониятини беради.
Электрон почтангизга мобил уланиш!
МТС алоқа оператори МТС
Батафсил: 0890 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 www.mts.uz / wap.mts.uz
Хизматлар лицензияланган.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.



МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
амкодор
(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.
«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.
Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ВНИМАНИЕ!
ПРЯМАЯ ПОСТАВКА ИЗ РОССИИ.
В ФЕРГАНЕ
со склада ОРТП "Курилиш моллари" реализуется
ЛИСТ СТАЛЬНОЙ Г/К
• 2мм, 3мм, 4мм, 8мм
Товар сертифицирован
• НАСОС ЦНСГ 38/88
• КАБЕЛЬ МЕДНЫЙ с изоляцией из сшитого полиэтилена 3х240 6,6kv
Под заказ
Также принимаются заказы на другие виды металлопроката
Конт. тел. +8(590) 272-15-95
тел./факс +8(373) 223-54-98

«O`zGEOTEXLITI» Ўзбекистон геотехнология илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш институти
саноат бўлимига тажрибаси уч йилдан кам бўлмаган қурилиш бўйича муҳандисларни қуйидаги лавозимларга
ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:
• 1-тоифали муҳандис;
• етакчи муҳандис;
• бош мутахассис.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 15-уй.
Телефон: 255-69-55.
E-mail: info@geotech.uz Sayt: www.geotech.uz

ВЕРСАЛЬ
МИР обоев
палитра
Российский линолеум
Тел. 234-48-11
Факс 234-49-58
Товар сертифицирован.
Форма оплаты — любая.

INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч.13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
т -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6 7